


Мусайлима Каззоб ҳақида



17:20 / 08.11.2023 1059

Бану Ҳанифа элчилари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келишди. Уларнинг орасида машҳур бузғунчи Мусайлима Каззоб ҳам бор эди. Бу нобакор аввалроқ Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга мактуб юборган, унда қуйидагилар айтилган эди:

«Аллоҳнинг Расули Мусайлимадан Аллоҳнинг Расули Муҳаммадга.

Аммо баъд: Мен бу ишда сенга шерик бўлдим. Бу ишнинг ярми бизгадир. Унинг ярми Қурайшгадир. Қурайш адолат қиладиган қавм эмас».

Ўшанда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам унга қуйидаги жавобни ёзган эдилар:

«Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм. Аллоҳнинг Расули Муҳаммаддан Мусайлимага. Ҳидоятга эргашганларга саломлар бўлсин. Аммо баъд:

Ер Аллоҳнинг мулкидир. Уни Ўз бандаларидан кимга хоҳласа, ўшанга мерос қилур. Оқибат тақводорларникидир».

Бану Ҳанифанинг элчилари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига киришганида Мусайлимани у зотдан кийимлари билан тўсиб туришган эди. Бу каззоб шу ерда ҳам ўз нобакорлигини қилиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан ўз мулклари остидаги нарсадан бир қисмини беришларини сўраган эди. Шунда у зот қўлларидаги чўпни кўрсатиб: «Сенга мана шу чўпни ҳам бермайман», деган эдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Икрима ибн Абу Жаҳл лашкарини ўша Нажд тарафга, Ямомадаги Мусайлима Каззобга юборди. Унинг ортидан мадад учун Шураҳбил ибн Ҳасанани яна бир лашкар билан юборди. Икрима Шураҳбил ибн Ҳасанани кутиб турмасдан, ишни ўзи битириш учун шошилиб, Мусайлиманинг лашкари билан тўқнашди ва енгилди. Бундан Абу Бакр дарғазаб бўлдилар ва Мадинага қайтиб келмасдан, Яманга бориб, Ҳузайфа ибн Миҳсан ва Арфажа ибн Ҳарсамаларга қўшилишга, улар билан бирга Маҳра аҳлига қарши уруш қилишга амр қилдилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Холид ибн Валидга одам юбориб, у кишини Мусайлима томон юришга амр қилдилар. Унга мадад учун муҳожир ва ансорлардан иборат катта лашкарни юбордилар. Шураҳбил ибн Ҳасанани одам юбориб, Холид ибн Валидни кутиб туришга амр қилдилар. Мусайлиманинг қирқ минг кишилиқ лашкари бор эди.

Мусайлима ва Бану ҳанифаликлар Холид ибн Валиднинг келаётганини эшитиб, Ямоманинг четига лашкаргоҳ қилишди ва одам тўплашди. Уларга жуда кўп одам қўшилди.

Холид ибн Валид яқинлашиб келар, лашкарининг олдида Шураҳбил ибн Ҳасана борар эди. Бану Ҳанифанинг лашкаргоҳига бир кечалиқ йўл қолганида, улар Омирдан ўч олиб келаётган бир жангчи гуруҳни учратишди. Бу гуруҳга Бану Ҳанифанинг улуғларидан Мужжоъа ибн Мурора бошлиқ эди. Холид ибн Валид амр қилиб, уларнинг бошлиқларидан бошқасини қатл эттирдилар. Сўнг бориб, муртадларнинг лашкари билан тўқнашдилар. Икки томон қаттиқ жанг қилди. Дастлаб мусулмонларнинг иши юришмади. Муртадлар Холид ибн Валиднинг чодиригача етиб келишди. У кишининг хотинларини асир олмоқчи бўлишган эди, уларни бу ишдан Мужжоъа қайтарди. Сўнгра мусулмонлар бирлашишди ва Аллоҳ уларга Ўз сакинасини нозил қилди. Холид ибн Валид ўз одамлари билан ҳамла қилиб, муртадларни ортига қайтарди.

Бану ҳанифаликлар аччиқланиб, шиддат билан жанг қилишди. Холид ибн Валид уруш Мусайлиманинг зиддига бўлаётганини англади. Уни яккама-якка олишувга чақирди. У олишувга чиқиб, иши оғирлашиб қолганда қочди. Унинг одамлари ҳам қоча бошлашди. Холид ибн Валид мусулмонларга нидо қилдилар. Улар бирдан ҳамла қилиб, муртадларни шармандаларча мағлуб этдилар. Муртадларнинг қолганлари Мусайлиманинг қўрғонига кириб олишди. Бу қўрғонга кириш мусулмонлар учун жуда қийин бўлди. Ансорларнинг шижоатлиларидан бири Баро ибн Молик: «Мени боғнинг ичига отинглар», дедилар. Шериклари у кишини

ўша боғнинг ичига улоқтиришди. У кишининг ёлғиз ўзлари душман билан жанг қилаётиб, эшикни очдилар. Мусулмонлар шу эшикдан кириб, душманларни ўлдирдилар. Ўлдирилганларнинг ичида Мусайлиманинг ўзи ҳам бор эди. Уни Ҳамза ибн Абдулмутталибнинг қотили Ваҳший билан яна бир ансорий ўлдиришди.

Бу жангларда саҳобаи киромлардан етмиш киши шаҳид бўлди. Шаҳидлар ичида Абу Ҳузайфа ибн Утба, Абу Ҳузайфанинг мавлоси Солим, Шужоъ ибн Ваҳб, Зайд ибн Хаттоб, Абдуллоҳ ибн Саҳл, Молик ибн Амр, Туфайл ибн Амр Давсий, Язид ибн Қайс, Омир ибн Букайр, Абдуллоҳ ибн Махрама, Соиб ибн Усмон ибн Мазъун, Аббод ибн Бишр ва бошқа катта саҳобаи киромлар бор эдилар.

Бу ҳодисалар ҳижрий ўн иккинчи йилда бўлиб ўтди.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу қолган муртадларга ўз лашкарларини юбордилар. Жумладан, Ало ибн Ҳазрабийни лашкари билан бирга Баҳраинга жўнатдилар. У киши ўша ердаги муртадлар билан жанг қилиб, ғолиб келдилар ва аҳолини Исломга қайтардилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Икрима ибн Абу Жаҳлни Умонга юбордилар. У киши ўз лашкарлари билан ўша ернинг аҳолисидан бўлган муртадларни Исломга қайтардилар.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Муҳожир ибн Абу Умайя бошлиқ лашкарни Яманга, яъни яна бир пайғамбарлик даъвосини қилган Асвад Ансийга қарши юбордилар. Муҳожир розияллоҳу анҳу уларни енгиб, Ислом ҳукмини қайтадан ўрнатди.

Сўнг Муҳожир ибн Абу Умайя яна бир муртад қавм – Кинда аҳлига қарши юриш қилди ва уларни ҳам мағлуб этди.

Ана шундай қилиб, Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ўзларининг халифалик вақтларида Ислом умматининг катта фитнадан сақланиб қолишига сабаб бўлдилар. Ҳамма диндан қайтганда қаттиқ туриб, уларни Исломга қайтариш чораларини кўрдилар. Аллоҳ таоло у кишига ва биродарларига нусрат берди. Шу сабабли фитна таг-томири билан йўқотилди.

«Ислом тарихи» биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 14 мартдаги 03-07/1733-рақамли хулосаси асосида тайёрланди

